## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

адвокатурани янада ривожлантиришга, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда унинг обрў-эътибори ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш;

аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;

ислоҳотларнинг қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг вакили сифатида қатнашиш, шу жумладан судда ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан бўлган муносабатларда;

адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

адвокатларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш;

республика туман ва шаҳарларида юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш йўли билан аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

адвокатлар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси:

юридик шахс мақомига эга нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади;

адвокатларнинг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик тамойили асосида фаолият кўрсатади;

адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини тузишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

икки ой муддатда адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига адвокатлар томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларига кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Б. Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 май

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди.

Натижада 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баробардан кўпроқ қисқарди. Ўзбекистонда ҳар юз минг аҳолига 138 нафар маҳбус тўғри келади, бу дунёнинг энг ривожланган давлатларидагидан анча камдир.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляцион ва кассацион кўриб чиқиш институтлари, ярашув институти жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилган. Ҳуқуқ ҳимояси мавзуида йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган журнал ва газеталар кўп минг нусхада чоп этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда, бу масалалар бўйича БМТнинг тегишли конвенциявий органларига доимий равишда ўзининг миллий ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмоқда. Уларнинг тавсияларини бажаришда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевосита фуқаролар иштирок этмоқда.

БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан йўллаган Баёнотномасини қўллаб-қувватлаб, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури 1- иловага мувофиқ маъқуллансин.

Инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар, мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши борасида халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

4. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳузуридаги Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2008 йил давомида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини очиб беришга бағишланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилиши ва аҳоли орасида кенг тарқатилишини таъминласин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда:

етакчи мутахассислар ва олимларни жалб этган ҳолда, таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари, семинарлар, маърузаларни тизимли асосда ташкил этсин;

2008 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги барча мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурлари киритилишини таъминласин.

7. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргаликда уч ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилсин ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2008 йилда амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий мақсадларини амалда рўёбга чиқаришда БМТ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг ихтиёрий бадали сифатида юз минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратсин.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурининг амалга оширилишини ҳар томонлама ёритиш бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда мақолалар ташкил этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 май

# Майдонда жасур ўғлонлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Олмос" стадионига ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари, қалбида ватанпарварлик туйғуси жўш урган йигит-қизлар йиғилди.

Оркестр ижросидаги мусиқа садолари остида стадионга байроқдорлар кириб келишди. Сўнг Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича учинчи "Умумармия ўйинлари" иштирокчилари — 14 та жамоа вакиллари саф тортишди. Давлатимиз мадҳияси янгради. Оғир атлетика бўйича икки карра Осиё чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, кичик сержант Игор Халилов, ўқ отиш бўйича бир неча бор Осиё ўйинлари чемпиони, кичик сержант Наталья Долбинина, халқаро тоифадаги спорт устаси, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Яна Фатхи, Марказий Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, кичик сержант Владимир Калюжний давлатимиз байроғи ва "Умумармия ўйинлари" байроғини кўтардилар.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Мирзаев иштирокчиларни спорт байрами билан табриклади.

Кураш бўйича жаҳон чемпиони, дзюдо бўйича бир неча карра Осиё чемпиони, кичик сержант Рамзиддин Саидов "Умумармия ўйинлари" машъаласини ёқди. Шунингдек, стадионда Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти спортчиларининг кўргазмали чиқишлари, республикада хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда мамлакатимиз эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

— Мусобақаларда спортнинг қўл жанги тури бўйича жамоамиз шарафини ҳимоя қиламан, — дейди Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юрти курсанти Нуриддин Солиев. — Умуман, мазкур тадбир Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган минглаб мамлакатимиз ёшларининг иқтидорларини кўз-кўз этишда муҳим аҳамиятга эга. Биргина 2008 йилнинг Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бизга берилаётган эътиборнинг юксаклигидан далолат беради.

7 майга қадар давом этадиган «Умумармия ўйинлари»ни халқаро ва республика тоифасидаги ҳакамлар бошқаришади. Жамоалар ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, ҳарбий-спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, қўл жанги, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол бўйича ўзаро беллашадилар.

**Алижон САФАРОВ,**
**майор.**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда теннисни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Юксак даражадаги халқаро мусобақаларда давлатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган

# ТЕННИСИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ҒАМХЎРЛИК

спортчиларни тайёрлаш учун йиллар давомида шуғулланиш лозим бўлади. Президентимизнинг Қарорига мувофиқ, пойтахтимизда юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган республика Олимпия захиралари теннис мактаби ташкил этилиши бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Чунки қарорда юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш, зарур ҳолларда хориждан мураббий-мутахассисларни таклиф этиб, ўқув-машғулот жараёнларини теннис соҳасидаги энг янги ўқув-методик тавсияномалар асосида ташкил этиш республика теннис мактабининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт аломатларига ва юқори даражали теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтидорли йигит ва қизлар қабул қилинади. Бу мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларида яшовчи янги иқтидор соҳибларини кашф этиш, демак, Ўзбекистонда Ирода Тўлаганова ва Оқгул Омонмуродоваларнинг издошларини янада кўпайтириш учун янги имкониятлар яратади.

**Самир АБИДОВ,**
**теннис бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош мураббийси.**

**Бугуннинг гапи**

***— Жорий йилда республикамизда сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари, картошка, ўсимлик ёғи ва гуруч ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш тўғрисида ҳукуматимиз томонидан қарор қабул қилингани айни муддао бўлди, — дейди Хонқа туманидаги «Олажа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мадрим Юсупов. — Бу қарорнинг аҳамияти яна шундаки, унда тижорат банклари мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка харид қилиш шартномалари бўйича фермер хўжаликларини ўз вақтида аванс маблағлари билан таъминлаш учун агрофирмалар ва тайёрлов ташкилотларига имтиёзли кредитлар ажратиши белгиланган. Бундан ташқари, юқори сифатли уруғлик картошка, полиз ва мева-сабзавот экинлари уруғлари, ниҳоллари ва кўчатларини сотиб олиш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳам кредитлар берилади. Бундай имтиёзлар қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси эмасми?!***

# ШИЖОАТДАН ЯШНАГАН ДАЛАЛАР

Дарҳақиқат, бугун хоразмликлар, айниқса, бу вилоятдаги деҳқон ва фермер хўжаликлари деҳқон елкасига яна ҳақиқий офтоб текканидан руҳланиб, жорий йилда картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонларини 1000 гектардан оширишга аҳд қилдилар. Биласиз, воҳада ер ресурслари чекланган, ўзлаштириладиган янги майдонлар ҳам йўқ. Лекин мутахассисларнинг бошқа аниқ ҳисоб-китоблари бор. Дейлик, мавжуд ер майдонларининг четларию уватларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш фермер хўжаликларига экин майдонларини кенгайтириш имкониятини беради. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари учун эса, бу борада томорқалар, дала пайкаллари катта резервдир. Мазкур ички имкониятлар ва ресурсларни расамади билан ишга солиш, ўз навбатида, деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтириш, бозорларни улар билан тўлдириш орқали қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш, бинобарин, турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Шу эзгу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастур ижроси қанчалик самара беришини Хонқа тумани деҳқонларининг иш тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Қишлоқ оқсоқолининг айтишича, Олажа нафақат шу туманда, балки вилоят миқёсида йирик қишлоқлардан бири ҳисобланади. Бу ерда салкам икки минг оила яшайди. Уларга 400 гектардан зиёдроқ ер тўғри келади. Ҳар бир оила шу ердан унумли фойдаланиш, қорамоллар, қўй-эчкилар ва паррандаларни боқиш ҳисобига йилига қўшимча равишда уч миллион сўм ва ундан кўпроқ даромад олмоқда.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, дейдилар. Хонадонлардан бири — Матёқуб Маткаримовнинг ҳовлисида бўлгач, бу ҳақиқатга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Аввало, томорқадаги мўъжазгина иссиқхона эътиборимизни жалб этди.

— Бу ерда, кўриб турганларингиздек, минглаб туп бодринг кўчати ўсмоқда, — изоҳ берди хонадон соҳиби. — Бугун-эрта ана шу етилган кўчатларни қўшни туманлар ва вилоят марказидаги бозорларда сотиш эвазига камида бир ярим — икки миллион сўм даромад қиламиз. Иссиқхонанинг ўзида етиштирилган бодринг ҳосили ҳам ёнга қолади.

Матёқуб Маткаримовнинг қўшниси Аминбой Юсуповнинг уйига кирганимизда, таъмирлаш ишларининг устидан чиқдик.

— Ҳандалак пишган пайтда, Худо хоҳласа, ўғлимизни уйлантирамиз, — деди у. — Таъмирлаш ишлари ва тўй ўтказиш учун маблағни эса мана шу жўяклардан «териб» олаяпмиз. — У кулганича иссиқхонасидаги турли-туман экинларга ишора қилди.

Помидор, қалампир ва булғори кўчатлари, уларнинг этагида карам ва бошқа турдаги эртанги сабзавот ниҳоллари барқ уриб ўсаяпти.

— Ёзнинг ўрталарига бориб, уларнинг ўрнини кузги сабзавот, сўнгра эса озуқа экинлари эгаллайди, — дея тушунтирди Аминбой оға. — Шу тариқа бир мавсумда томорқадан уч марта ҳосил олишга эришаяпмиз.

Билсак, Олажа қишлоғидаги барча оилаларда ҳам йилига томорқадан уч-тўрт марта ҳосил кўтариш одат тусига кирган экан.

Олажа ва Хонқанинг бошқа қишлоқлари кўчаларида, ҳатто туман марказида ҳам қўлида турли мевали дарахт кўчатларини кўтарганича у ёқдан-бу ёққа шошаётган кишиларни, шундай ниҳоллар ортилган тележкаларни учратдик.

— Буларнинг барчаси пулга сотиб олинади, албатта, — деди «Пахтабанк»нинг туман филиали бошқарувчиси ўринбосари Қуронбой Сатторов. — Шуни ҳисобга олиб, март-апрель ойининг ўзида юз нафардан зиёд кишига картошка, сабзавот ва полиз экинлари уруғлари, шунингдек, мевали дарахт кўчатлари харид қилишлари учун 30 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратдик. Шу билан бирга, филиалимиз ходимлари қишлоқлар аҳолисига уруғлик ва кўчатларни сотишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишяпти.

Ногаҳон, Қирқёп қишлоғида кўрганимиз — «Дамас» автомобили атрофида уймалашиб турган кишилар кўз олдимизда гавдаланди. Машинанинг олд ва ён ойналарига «Пахтабанк», «Кўчатлар ва уруғлар», «Кредитлар берилмоқда» деган ёзувлар битилган эди. Майдончада эса олма, олча, гилос ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини сотиш қизғин давом этарди.

Бизнинг ҳайрон бўлганимизни сезди, шекилли, банк ходимларидан бири шундай деди:

— Бу кўчатлар шу қишлоқда яшовчи Ислом Эшматовнинг шахсий ёрдамчи хўжалигида етиштирилган. Биз харидорларга шу ерда зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, микрокредитлар тарқатаяпмиз. Бунинг учун кўчатларни сотиб олувчига қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотнома асос вазифасини ўтамоқда.

— Бундай тезкор молиявий мададдан каттаю кичик мамнун, — суҳбатга қўшилади «Маҳмуд ота» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Раҳимов. — Биз ҳам «Пахтабанк»нинг туман филиалидан олган 500 минг сўмлик кредит ҳисобидан картошка, пиёз ва бошқа сабзавот экинлари уруғини харид қилиб, ҳозирда бир текис униб чиққан ўсимликларни парваришлаяпмиз.

**Бундай хайрли саъй-ҳаракатларни вилоятнинг барча туманларида кузатиш мумкин. Улар вақти келиб, ўз самарасини беради. Ва аҳолини картошка, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан барқарор, узлуксиз таъминлаш, пировардида эса бозорларда ана шу дала ва боғ неъматлари нархларининг асоссиз ўсишининг олдини олишга кўмаклашади. Ҳукуматимиз қабул қилган қарорнинг асл мақсади ҳам шу.**

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Эзгулик манзилига йўл

***М. Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри актёрлари «Нуҳ кемаси» фалсафий драмасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этдилар.***

Премьера

Спектаклни режиссёр Фарҳод Жумаев адабиётшунос олим Нафас Шодмоновнинг «Нуҳ кемаси» пьесаси асосида саҳналаштирган. Воқеалар қадим ривоятдаги буюк тўфон даврида бўлиб ўтади. Саҳна катта кема шаклида қурилган бўлиб, томошабинлар ҳам спектакль қаҳрамонлари билан биргаликда кемага чиқишади. Саҳналаштирувчи рассом Абдулҳай Шермуҳаммедовнинг маҳорати туфайли ҳар бир томошабин ўзини кема ва унинг йўловчилари тақдири учун жавобгар ҳис қилади.

— Инсоният азал-абад эзгулик ва қабоҳат ўртасидаги курашлар жараёнида яшайди, — дейди театр директори Зокир Аҳмедов. — Эзгулик манзилига тинч ва омон етиб бориш учун эса диёнат устун бўлиши, доимий огоҳлик керак. Ҳатто дунёни сув босган тўфон шароитида ҳам кема йўловчилари ўртасида яхши ва ёмон ният йўлидаги зиддиятлар давом этади. Фақат яхши аъмоллларгина ер юзида инсониятнинг бардавомлигини таъминлайди. Спектакль ана шу умумбашарий мақсадга хизмат қилади.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Таққос

***Одамлар бир-бирлари билан кўришганда нима ҳақда гаплашишади? Ўзаро ҳол-аҳвол сўрашишади, ҳаёт тарзи ҳақида суҳбат қуришади, хайрлашаётиб, тинчлик-омонлик тилашади. Оддий мулоқотнинг ўзида халқимизнинг меҳр-оқибати, бағрикенг табиати шундоққина кўриниб туради.***

# Умрингизга барака!

## Мамлакатимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда

**Б**аъзан хориж фильмларида, эътибор қилсангиз, қаҳрамонлар учрашишганда оддий салом-аликни ҳам насия қилиб, муомалага киришиб кетаверади. Бизда-чи? Сўз боши — ассалом! Айтайлик, ҳосил йиғиштираётган юртдошимиз ҳузурига келган меҳмон, албатта, «Ҳорманглар, хирмонга барака!» дея меҳрини намоён этиши табиий. Бу лутфга, албатта, «Саломат бўлинг, умрингизга барака!» деган жавоб олинади.

«Умрингизга барака». Нақадар эзгу, самимий тилак! Узоқ йиллар ҳаёт кечиринг, меҳнатларингиз ҳузурини кўринг, ниятларингизга етинг, деган катта маъно бор шу лўнда халқона иборада.

Статистика илмида аҳоли турмуш тарзини кўрсатиб турувчи хилма-хил мезон-ўлчовлар бор. Мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси, миллий даромаднинг аҳоли жон бошига қанчадан тўғри келганлиги, «Рўзғор халтаси», ташқи савдо айланмаси, экспорт-импорт салоҳиятимиз ўсиши... Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш фаровонлиги муттасил яхшиланиб бориши учун ҳисоб-китоб қилинади. Охир-оқибатда бу кўрсаткич нимада ўз ифодасини топади? Инсоннинг умри узайишида! Бу жами натижалар ичида энг олий мақсаддир.

2007 йилда Президентимиз «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси умумий кўрсаткичи 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этганини таъкидлаганларида, халқимизнинг кўнгли тоғдай юксалгани ёдимизда. Бундай натижа билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Энди қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: бугун балоғат ёшидаги болаларимизнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани кузатилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу кўрсаткичларни униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг жисмоний ва маънавий нуқтаи назардан соғлом бир шароитда ҳаётга қадам қўяётганининг ёрқин далили, деб баҳолади.

Тоғнинг юксаклиги масофадан билингани каби, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси маълум давр ўтгач, яққол кўзга ташланади. Модомики, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 16 йилда 6 ёшга (айрим ҳудудларда бундан ҳам кўп) ошган экан, бу рақамнинг салмоғини Ер юзининг бошқа мамлакатларидаги кўрсаткичларга қиёслаб кўрайлик. Масалан, Африка қитъасидаги бир қанча мамлакатларда аҳоли зичлиги, экологик шароит оғирлиги, фуқаролар уруши ва касалликлар туфайли ўртача умр кўриш даражаси жуда-жуда паст. Айтайлик, Мозамбикда бу кўрсаткич 31,3 ёшни ташкил этади...

Узоқ умр кўриш, бутун бир халқнинг тинч ва осуда ҳаёти барқарор тус олаётгани юртимиз фуқароларини қувонтиради, албатта. Мазкур кўрсаткичнинг яхшиланиб бораётгани сизу бизнинг кўз олдимизда рўй бериши, демакки, бевосита бу яхшиликка иштирокчи бўлаётганимиз дилда ғурур уйғотади.

Ўртача умр кўриш даражасининг юқорилаб бориши эса бениҳоя кўплаб омилларга боғлиқдир. Тинч ва осойишта турмуш, эртанги кунга ишонч, ўзликни англаш, атрофдаги ёқимли маънавий муҳит, жамиятда ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг қадрланиши, малакали тиббий хизмат, ижтимоий адолатнинг барқарорлиги — буларнинг бари пири бадавлат нуронийларимиз умрига умр қўшмоқда. Президентимиз ҳар йили мустақиллик байрами арафасида 100 ёшдан ошган юртдошларимизни тақдирлаб, чексиз қувонч бахш этишлари фақат Ўзбекистонга хос анъанага айланди. Юртбошимиз Фармонига биноан, кўп йиллар давомида мамлакатимиз ривожи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари туфайли ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар давлат мукофотлари билан тақдирланишяпти. Давлат миқёсидаги бундай улкан руҳий-маънавий мададкорлик, рағбат, табиийки, қарияларимизга зўр тетиклик, бардамлик бағишламоқда, умрларига умр қўшмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 91 ёшдан ошган юртдошларимиз 32 минг нафардан кўпроқ. Ҳаётимиз ободлиги ва фаровонлиги ошиб боргани, тиббий хизмат ва аҳолининг тиббий маданияти юксалиб боргани сайин бу кўрсаткич янада салмоқли бўлиши табиийдир.

Дунёнинг манаман деган тадқиқотчилари узоқ умр кўриш сирлари тўғрисида турли омил ва сабабларни қайд этишади. Улар орасида овқатланишда сабзавот, мева, ўсимлик ёғини меъёрида истеъмол қилиш, маромида ухлаш, ҳаракатни тўхтатмаслик, оиладаги аҳиллик кабилар тилга олинади. Бунданда муҳими, ёши улғайган одам оилада, маҳалла-кўйда муносиб эъзозланиши экан. Минг шукрки, бизнинг халқимиз табиатида ўзидан каттани зўр эътиқод билан ҳурмат қилиш, киприкда авайлагандай меҳр кўрсатиш ажойиб қадрият даражасига кўтарилган.

Юз билан юзлашишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Узоқ умр, кўпчиликнинг айтишича, Оллоҳ ёрлақаган одамларга насиб этади. Ёши улғайган нуронийларимиз йўлини орзу қилишга ҳамманинг ҳақи бор, албатта.

**Ў**збекистон дунёда меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари билан танилган. Осойишталик барқарор бўлган даврда аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга юртимиз ўз Йўлбошчиси етакчилигида янгиланган жамият барпо этишга ишонч билан интилмоқда. Бу йўлда ёши улуғ инсонларимиз кўплиги билан фахрланиш ҳам бизга насиб этаверсин.

Умрингизга барака!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

Спорт • Sport • Спорт

# Йўлланмалар 43 тага етди

***Дунёдаги энг нуфузли турнир — Олимпиада ўйинларида иштирок этиш барча спортчиларнинг орзуси ҳисобланади.***

Аҳамиятлиси, ҳамюртларимизнинг Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, оғир атлетика бўйича терма жамоамиз Японияда ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. Мусобақа низомига кўра, мамлакатимиз терма жамоаси иккита Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

Шундай қилиб, юртдошларимиз ҳисобидаги йўлланмалар сони 43 тага етди.

# Осиё чемпионати олдидан

***11-18 май кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.***



Ўзбекистон Футбол федерацияси мажлислар залида шу муносабат билан матбуот анжумани уюштирилди. Тадбирда футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Александр Петров журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Мураббийнинг таъкидлашича, футзалчиларимиз 1-8 май кунлари иқлим жиҳатидан Таиландга ўхшаш бўлган Малайзияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказади. Ҳужумчи Абдулла Бўриевни ҳисобга олмаганда, таркибда жиддий ўзгариш йўқ. Жамоамиз ўз олдига камида кучли тўртликдан жой олишни мақсад қилиб қўйган.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган тўртта терма жамоа жорий йилнинг 30 сентябрь — 19 октябрь кунлари Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

***Чехиянинг Прага шаҳрида Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) томонидан ўтказилаётган нуфузли халқаро теннис турнирида дунёнинг энг кучли ракетка усталари қаторида Оқгул Омонмуродова ҳам ғолиблик учун куч синашмоқда.***

# Оқгулнинг омадли ўйини

Ўзбекистоннинг энг кучли теннисчиси яккаликлар беллашувининг биринчи босқичида жиддий рақибга рўбарў келди. Турнирда олтинчи рақамда сараланган нидерландиялик Микаэлла Крайчек ўйинда кескин қаршилик кўрсатган бўлса-да, ўзбек теннисчисининг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. Муросасиз баҳсда Оқгул Омонмуродова 6:4, 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Халқаро турнир ғолиб ва совриндорлари 4 май куни ўтказиладиган финал учрашувида аниқланади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**




GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ таклиф этади.

**Диаметри 100 мм. дан 1200 мм. гача.**
**Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.**

ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:
*суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.*

1. Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатлами перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.

**Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.**
**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**
**ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.**
**ФАКС: (370 71) 715-63-16.**
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Erismann
палитра
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6